



Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 9 ноябрь Шовот тумани 4-2202-2201/1297-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Ҳайитбоев томонидан  
якка тартибда, Шовот туманлараро иқтисодий суди биносига,

**Даъвогар:** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий  
бошқармасининг “[REDACTED]” АЖ манфаатида

**Жавобгар:** “[REDACTED]” фермер хўжалигидан  
1.448.000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни  
содалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси  
“[REDACTED]” АЖ манфаатида, Шовот туманлараро иқтисодий  
судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, “[REDACTED]”  
фермер хўжалигидан 1.448.000 сўм қарздорликни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг  
203<sup>4</sup>-моддасига кўра, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш  
қўзғатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримда иш содалаштирилган иш  
юритиш тартибда кўрилишини ҳамда иш кўриб чиқиладиган санани  
кўрсатади.

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг  
кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик  
муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган  
ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга  
юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Даъво аризаси  
юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил  
томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

Даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор  
қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим  
этилмаганлиги даъво аризасини содалаштирилган иш юритиш тартибда  
кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Белгиланган муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган даъво аризаси  
юзасидан ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, агар уларни белгиланган  
муддатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги тараф томонидан  
асосланганлиги ва улар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги  
қадар келиб тушган бўлса, қабул қилинади.



Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш муддати узайтирилмайди. Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи ва почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, “[Redacted]” АЖ ва “[Redacted]” фермер хўжалиги ўртасида 2022 йил 4 апрелда №118-сонли “Соя уруғини” етказиб бериш юзасидан олди-сотди шартнома тузилган.

Шартноманинг 1.1-бандига кўра даъвогар шартномада белгилан микдорда ва ассортиментда тегишли сифатга эга бўлган маҳсулотни топшириши, жавобгар олинган уруғлик маҳсулотини ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Бироқ, даъвогар томонидан шартномада белгилан микдорда ва ассортиментда жами 1.448.000 сўмлик маҳсулот 2022 йил 11 апрел кунги №000124-сонли счёт-фактураларга асосан етказиб берилган бўлсада жавобгар томонидан маҳсулот ҳаққи тўлаб берилмаган.

Натижада ушбу низо келиб чиққан.

Даъвогар “[Redacted]” АЖнинг талабнома хати ҳам жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Буни оқибатида, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Мазкур ҳолатда мажбуриятлар тарафлар ўртасида расмийлаштирилган шартномадан келиб чиққан.

Чунки, даъвогар томонидан ишга тақдим қилинган тегишли электрон счёт-фактурага асосан жавобгарга 1.448.000 сўмлик маҳсулот етказиб берилган ва қарздорлик жавобгар томонидан тўлиқ тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Кейинчалик - ЎЗР ФКнинг) 234-моддаси 2-хатбошисида мажбуриятлар—шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши назарда тутилган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Тарафлар ўртасида имзоланган шартномага кўра жавобгарга даъво талабидаги микдорда маҳсулот етказиб берилганлиги, ишга тақдим қилинган тегишли счёт-фактуралар, ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланади.



